

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

36-сон
(1160)
2024 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

314. «Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–957-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

315. «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер ресурсларининг инвестициявий имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги ПФ–135-сон Фармони

316. «Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тад-

бирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарори

317. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги ПҚ–312-сон қарори

Бешинчи бўлим

318. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2024 йил 5 августдаги 685-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-2*)
319. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2024-yil 15-avgustdagi 64-son “Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholashni mustaqil amalga oshiruvchi ekspertlar guruhi tarkibini shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 6-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3368-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****314 Маъмурий ислохотлар доирасида таълим соҳасида давлат бошқаруви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
2 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар, мактабгача ва мактаб таълими соҳасида давлат бошқаруви тизими такомиллаштирилди, ушбу соҳадаги бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Айни вақтда бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органларининг маъмурий ислохотлар доирасида трансформация қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги функциялари ва вазифаларининг алоҳида вазирликларга ўтказилиши, шунингдек Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг қайта ташкил этилиши уларнинг расмий номланишини ва ваколатларини аниқлаштириш учун қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилишини талаб этмоқда.

Мазкур Қонун билан бир қатор қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг, Спорт вазирлигининг, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг номланиши ва ваколатлари, шунингдек Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг номланиши аниқлаштирилишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўрта махсус, профессионал, олий таълимни ҳамда олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ташқи баҳолашнинг янги тизими жорий этилишини, кадрларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни, шунингдек нодавлат

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ўртасида тақсимланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ушбу Қонун олий таълим, фан ва инновациялар, мактабгача ва мактаб таълими соҳасидаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга, шунингдек давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларининг сифатини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида**»ги 152–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31-33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда) **19-моддаси 1-бандининг олтинчи хатбошисидаги** «олий ўқув юртлари» деган сўзлар «олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 14 январда қабул қилинган «**Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида**»ги 513–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–394-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 9, 340-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модда** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги: ўқув-тарбия жараёни соғломлаштиришга йўналтирилган бўлишини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи нормаларини жорий этиш учун шарт-шароитларни таъминлайди;

ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари ва олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида оммавий жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ташкил этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашда иштирок этади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари («Баркамол авлод») ҳамда олий таълим ташкилотлари талабалари («Универсиада») ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишда иштирок этади;

олий ва ўрта махсус таълим ташкилотлари спорт объектларининг моддий-техника ва ресурс базаси сақланиши ҳамда ривожлантирилишини таъминлайди;

ўқувчилар ва талабаларга соғлом турмуш тарзини, спорт билан шуғулла-нишнинг муҳимлиги, жисмоний ва маънавий комилликка интилиш тушунча-сини сингдиришга, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга ҳамда зарар-ли одатлардан халос этишга доир чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

ўқувчилар ва талабаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шаклла-ри ҳамда усулларини, жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини сингдиришнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ҳамда жо-рий этишга кўмаклашишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

2) 11-модда:

номи ва **биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрир-да баён этилсин:

«11-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мак-таб таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги қо-нунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

3) 29-модданинг **тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим олувчилар иштирокида спорт тадбирларини, шу жумладан мак-табгача ва мактаб таълими тизимининг таълим муассасалари ўқувчилари («Умид ниҳоллари»), ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ўқув-чилари («Баркамол авлод») ҳамда олий таълим ташкилотлари талабалари («Универсиада») иштирокида уч босқичли спорт мусобақалари ташкил эти-лиши ва ўтказилишига кўмаклашиш».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғриси-да»ги 768–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-нинг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модданинг 9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида — янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида»;

2) **8-модданинг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим ташкилотларида ижро этиш — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади»;

3) **9-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Наслчилик тўғрисида**»ги 165–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 255-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 11, 791-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2024 йил, № 1, 7-модда) **18-моддасининг биринчи хатбошисидаги** «олий ўқув юртлари» деган сўзлар «олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 797-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 11, 1061-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «ўқув юртлари» деган сўзлар «таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил,

№ 5, 265-модда, № 9, 588-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 2, 82-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда) **13-модданинг учинчи қисмидаги** «олий ўқув юртларида» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда; 2020 йил, № 9, 540-модда; 2021 йил, № 1, 3-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда; 2022 йил, № 6, 570, 577-моддалар; 2023 йил, № 11, 919-модда) **53-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илмий-тадқиқот муассасаларига, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларига ўқув, тажриба, нав синаш мақсадлари учун берилган ерлар ҳамда сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилмайди».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 9, 540-модда, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илмий-тадқиқот муассасалари, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас»;

2) **13-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинган» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларига таълимнинг кундузги шаклига ўқишга қабул қилинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган «**Фуқаро муҳофазаси тўғрисида**»ги 80–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 151-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда) **16-моддасининг биринчи қисмидаги** «Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари» деган сўзлар «Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августда қабул қилинган «**Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида**»ги 402–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 125-модда; 2019 йил, № 12, 880-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 922-модда) **20-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари» деган сўзлар «Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларининг ўқувчилари, олий таълим ташкилотларининг талабалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда; 2020 йил, № 3, 199-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 5, 464-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда, № 4, 265-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг» деган сўзлар «умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **29-модданинг тўртинчи қисмидаги** «касб-хунар ва олий ўқув юртларига» деган сўзлар «профессионал ва олий таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил,

№ 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 803, 804-моддалар, № 10, 973-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 577-модда; 2023 йил, № 4, 272-модда, № 11, 923-модда) қўйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 63-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «давлат таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «таълим муассасаларида» деган сўзлар «давлат таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар таълими муассасаларида» деган сўзлар «профессионал давлат таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 70-модда биринчи қисмининг 1-банди:

иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, профессионал таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, мактабдан ташқари таълим, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ташкилотлари, болалар уйлари, давлат таълим ташкилотларини ахборот-услубий жиҳатдан таъминлаш муассасалари, вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги давлат таълим ташкилотлари, бошқа ёрдамчи муассасаларни сақлаб туриш, шунингдек қонунчиликда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши назарда тутилган таълим тизими тадбирларининг харажатлари»;

учинчи хатбошисидаги «олий ўқув юртларининг» деган сўзлар «давлат олий таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 107-модда тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг» деган сўзлар «умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал давлат таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 588, 591-моддалар, № 10, 674-модда, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 466-модда, № 6, 570-модда, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда; 2024 йил, № 3, 244-модда) **26-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «олий ўқув юртларида» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 сентябрда қабул қилинган «**Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни**

таъминлаш тўғрисида»ги ЎРҚ–443-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 507-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда) **11-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим ташкилотлари (бундан буён матнда таълим муассасаси деб юритилади) тегишинча Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, шунингдек таркибида таълим ташкилотлари бўлган бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан ҳуқуқий ахборот билан таъминланади».

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган **«Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»**ги ЎРҚ–576-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 675-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 6-модданинг:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 17-модданинг:

номидаги «Олий таълим муассасаларида» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотларида»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Олий таълим муассасаларида» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотларида»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Олий таълим муассасаларининг» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Олий таълим муассасалари» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотлари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Олий таълим муассасалари» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотлари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Олий таълим ташкилотларининг илмий салоҳиятини оширишга олий таълим ташкилотлари, бўйсунувида олий таълим ташкилотлари бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъулдир»;

олтинчи қисмидаги «Олий таълим муассасасининг» деган сўзлар **«Олий таълим ташкилотининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 25-модданинг:

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;
учинчи қисми иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган «**Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида**»ги ЎРҚ–595-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 889-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 4, 290-модда, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 3, 185-модда) қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модда биринчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги»;

2) **9-модда** чиқариб ташлансин;

3) **10-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнининг сифати устидан назоратни ва мониторингни амалга оширади;

мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказди;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказди;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларига малака тоифалари берилишини ташкил этади;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мактабгача таълимнинг нодавлат таълим хизматларини (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно) кўрсатиш соҳасидаги фаолияти учун лицензиялар беради»;

ўн саккизинчи хатбошиси йигирма учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **11-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон

тон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **19-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав ҳамда мактабгача таълимнинг нодавлат таълим хизматларини (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно) кўрсатиш соҳасидаги фаолияти учун лицензия асосида амалга оширади»;

8) **20-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги» деган сўзлар «Мактабгача таълимнинг нодавлат таълим хизматларини (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно) кўрсатиш соҳасидаги фаолияти учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **22-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **26-модда:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустақамлаш ва соҳага малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатади»;

иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги-

нинг тузилмасига кирадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган бюджет маблағларининг қонунга хилоф харажатлари, ўғриликлар, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи»;

учинчи қисмининг:

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларининг, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга»;

саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 27-модданинг:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 33-модданинг иккинчи қисмидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бошқармаси хузуридаги» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари хузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 34-модданинг:

олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **43-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **46-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мактабгача таълим ташкилотларида озиқ-овқат сифати устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда мактабгача ва мактаб таълими органлари томонидан амалга оширилади»;

17) **47-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари мактабгача ва мактаб таълими органлари билан биргаликда мактабгача таълим ташкилотларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади. Соғлиқни сақлаш органлари мактабгача ва мактаб таълими органлари билан биргаликда ҳар йили болаларнинг бепул тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг соғлиғи ҳолати мониторингини ва тузатилишини (коррекцияланишини) таъминлайди»;

18) **50-модда:**

иккинчи қисмининг:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига келишишга киритиш учун туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбарини белгилайди, шунингдек уни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш юзасидан таклифлар киритади»;

олтинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим бўлимларига» деган сўзлар «мактабгача ва мактаб таълими бўлимларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **52-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **56-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача

таълим вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461, 464, 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда; 2023 йил, № 6, 444, 446-моддалар, № 7, 540-модда, № 12, 1011-модда; 2024 йил, № 2, 106, 110, 111-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **243-модда биринчи қисми 10-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «техник ва касб-ҳунар, олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим» деган сўзлар «профессионал, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **369-модда биринчи қисмининг 9-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) қонунчиликда белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари, шу жумладан ўқувчилар ва талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси профессионал ва олий таълим ташкилотлари ҳудудида пулли ўқув курсларини, спорт тўғрақларини ташкил этишдан ва бошқа таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлари»;

3) **374-модданинг 14-бандидаги** «олий ўқув юртини» деган сўзлар «олий таълим ташкилотини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда, № 9, 710-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112-моддалар) **илованинг 29-позициясидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлда қабул қилинган «**Инновацион фаолият тўғрисида**»ги ЎРҚ–630-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 7, 450-модда; 2024 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «Инновацион ривожланиш вазирлиги» деган сўзлар «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

3) **32-модда:**

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32-модда. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси»;

биринчи қисмидаги «Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» деган сўзлар «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг» деган сўзлар «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг» деган сўзлар «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Инновацион ривожланишни ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини» деган сўзлар «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **37-модданинг матнидаги** «Инновацион ривожланиш вазирлиги» деган сўзлар «Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган «**Таълим тўғрисида**»ги ЎРҚ–637-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 9, 538-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 101-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **3-модда:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**комплекс давлат аккредитацияси** — ўрта махсус, профессионал, олий таълимни ва олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларини ташқи баҳолаш натижаларига асосланган жараён»;

махсус давлат аккредитацияси — ўрта махсус, профессионал, олий таълимни ва олий таълимдан кейинги таълимни, шунингдек кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотларида таълим дастурлари бўйича ўқув жараёни бошланишидан олдин амалга ошириладиган жараён»;

олтинчи — ўн учинчи хатбошилари тегишинча **саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**таълим дастури** — давлат таълим стандартларига, касб стандартларига ва миллий (тармоқ) малака доирасига мувофиқ ишлаб чиқилган таълим стандартларидан, ўқув режаларидан, ўқув дастурларидан ва тегишли услубий кўрсатмалардан иборат норматив-услубий ҳужжатлар мажмуи»;

ўн учинчи, ўн тўртинчи ва **ўн бешинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи, ўн бешинчи** ва **ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин; қуйидаги мазмундаги **ўн еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**халқаро аккредитация** — таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширишга ваколат берилган ва халқаро аккредитация ташкилотларининг реестрига киритилган халқаро таълим сифатини таъминлаш тармоқларининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган жараён»;

2) 9-модда:

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида, давлат таълим стандартига мувофиқ ташкил этади»;

ўн биринчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **ўн иккинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) 11-модданинг **олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Магистратура мутахассисликларининг ва уларга мувофиқ бўлган бакалаврият таълим йўналишларининг рўйхати таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан белгиланади»;

4) 23-модда биринчи қисмининг:

тўртинчи хатбошисидаги «ваколатли давлат бошқаруви органларига» деган сўзлар «ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини тасдиқлаш, педагог кадрларни ва илмий ходимларни аттестациядан ўтказиш, нодавлат таълим ташкилотларига таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялар (бундан буён матнда

лицензия деб юритилади) бериш ваколатли органни ушбу соҳада фаолият бошлаш тўғрисида хабардор қилиш, таълим тўғрисидаги хужжатларга аPOSTИЛЬ қўйиш тартибини белгилайди»;

олтинчи хатбошиси «таълим ташкилотларига» деган сўзлардан кейин «(бундан молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим ташкилотлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат олий таълим ташкилотлари ректорларини, шунингдек давлат иштирокида ташкил этиладиган олий таълим ташкилотлари (давлат улуши бўлган нодавлат олий таълим ташкилотлари, қўшма таълим ташкилотлари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиладиган таълим ташкилотлари ва бошқалар) ректорларини (раҳбарларини) лавозимга тайинлайди ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этади»;

ўн саккизинчи хатбошиси «параметрик талабларни белгилайди» деган сўзлардан кейин «(бундан ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн тўққизинчи хатбошиси «талабларни белгилайди» деган сўзлардан кейин «(бундан ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **24** ва **25-моддалар** чиқариб ташлансин;

6) **26-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26-модда. Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларидир.

Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида:

таълим соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

таълим соҳасидаги тармоқ давлат дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга услубий раҳбарлик қилади;

давлат таълим стандартлари (шу жумладан мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти) ва давлат таълим талабларида кадрларнинг маълумоти даражасига ҳамда касбий тайёргарлиги сифатига қўйилган талабларнинг таълим ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат таълим стандартлари (шу жумладан мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти) ҳамда давлат таълим талаблари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни тасдиқлайди;

таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш тартибини белгилайди;

ўрта махсус таълим йўналишлари, профессионал таълимнинг касблар ва мутахассисликлари, олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари, шунингдек билим соҳалари ва таълим соҳалари рўйхатини тасдиқлайди;

таълим-тарбия жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари, янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг техник ва ахборот воситалари жорий этилишини таъминлайди;

таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлиги сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ўқув дастурларини такомиллаштиради;

таълим ташкилотларини (бундан мактабдан ташқари таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотлари мустасно) аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан, шунингдек таълим ташкилотларининг педагог кадрларини аттестациядан ўтказиши;

таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнининг сифати мониторингини амалга оширади;

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг педагог ходимларига лавозимлар ва малака тоифаларини бериш жараёни устидан назоратни амалга оширади, шунингдек унда иштирок этади;

ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр қилишни ташкил этади (бундан молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим ташкилотлари мустасно);

ўзлаштиришни баҳолашга, ўқув жараёнини, таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлайди, шунингдек экстернат тартибида таълим олувчиларнинг тоифаларини белгилайди;

нодавлат таълим ташкилотларига лицензиялар беради, фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган шахслардан хабарномалар қабул қилади ва уларнинг реестрини юритади;

таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлайди;

давлат олий таълим ташкилотларининг ректорларини тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

таълим ташкилотларида моддий-техника ресурсларидан фойдаланишга доир талабларни ишлаб чиқади;

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларига нисбатан моддий-техник, инфратузилмавий ва параметрик талабларни белгилайди;

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ҳамда нашр этиш тартибини, шунингдек уларни етказиб беришга ва улардан таълим ташкилотларида фойдаланишга қўйиладиган талабларни белгилайди;

таълим тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқланган бузилишлари тўғриси-

да тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларига ва таълим ташкилотларига тақдимномалар киритади;

таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қасддан содир этилган жиноят учун илгари судланган шахслар таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳамда улар ҳудудий бўлинмаларининг раҳбарлик лавозимларига тайинланиши тақиқланади»;

7) 30-модда:

бешинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «таълим муассасалари» деган сўзлар «таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда олий таълим ташкилотларининг факультетлари ва курслари шаклида ташкил этилади»;

олтинчи қисмининг:

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги маълумотлар давлат статистика органларига, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳудудий органларига тақдим этилади»;

8) 32-модда учинчи қисмининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумий ўрта таълим ташкилотлари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда мактабдан ташқари таълим ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан»;

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«олий таълим ташкилотлари ҳузуридаги ихтисослаштирилган мактаблар,

ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари учун — Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан»;

9) 34-модданинг:

бешинчи ва олтинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўрта махсус, профессионал, олий таълим хизматларини кўрсатувчи ҳамда фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган нодавлат таълим ташкилотлари мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда ёки хабарномада кўрсатилган таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги давлат таълим стандартлари, малака талаблари, олий таълим, ўрта махсус таълим ҳамда профессионал таълимнинг ўқув режалари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини таъминлайди. Ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги таянч давлат олий таълим ва профессионал таълим ташкилотларини белгилайди»;

саккизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий, профессионал, ўрта махсус ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва ўқув дастурлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади. Тегишли ваколатлар берилган бошқа вазирликлар ва идоралар давлат таълим стандартларини тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

ўн иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги давлат олий таълим ташкилотларига мустақил ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўқув дастурлари, малака талаблари ҳамда ўқув режалари асосида таълим хизматлари кўрсатиш бўйича ваколатларни бериши мумкин»;

10) 35-модда:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли давлат таълим ташкилотларидаги ўқув режалари ва ўқув дастурларининг мазмуни, уларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим ташкилотлари ўқув режалари ва ўқув дастурларини касбий стандартлар асосида мустақил тасдиқлашга, шунингдек таълим тилини ҳамда бакалаврият таълим йўналишларининг ва магистратура мутахассисликларининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим шаклини белгилашга ҳақли»;

учинчи — ўн иккинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн биринчи қисмидаги «таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан белгиланади» деган сўзлар «таълим ташкилотлари томонидан мустақил белгиланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 38-модданинг:

тўртинчи қисмидаги «олий таълим муассасаларига» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «таълим муассасаларига» деган сўзлар «таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Давлат таълим муассасаларига» деган сўзлар «Давлат таълим муассасалари ва ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш тартиби таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилишга оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларни инобатга олган ҳолда, ушбу таълим ташкилотлари томонидан белгиланади»;

тўққизинчи қисмидаги «Олий таълим муассасаларига» деган сўзлар «Олий таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Олий таълим муассасаларига» деган сўзлар «Олий таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 42-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотларининг мониторинги таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Таълим ҳолатининг таҳлили ва уни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ахборот таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг, шунингдек таълим ташкилотларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

Таълим тизимидаги маълумотлар жумласига расмий статистика маълумотлари, таълим тизими мониторинги натижалари, таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг ва улар ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда таълим ташкилотларининг маълумотлари кирази»;

13) 43-модданинг:

иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотлари таълим сифати устидан назоратни амалга оширишда таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларига қўмаклашади.

Таълим ташкилотлари томонидан берилаётган таълимнинг мазмуни ва сифати таълим тўғрисидаги қонунчиликка номувофиқлиги аниқланган ҳолларда таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият ор-

ганлари номувофиқликни бартараф этиш юзасидан уларга тақдимнома киритади. Аниқланган номувофиқлик бартараф этилмаган тақдирда таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси тўғрисидаги сертификатини қонунчиликка мувофиқ бекор қилишга ҳақли»;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда нодавлат таълим ташкилотларида таълим сифати, шунингдек лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан назорат ва мониторингни амалга оширади»;

14) **49-модданинг биринчи қисми** «ташкилотларида» деган сўздан кейин «(бундан ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотлари мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15) **57-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия бериш ва қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, шунингдек лицензияни бекор қилиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан амалга оширилади»;

16) **57¹, 58** ва **59-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57¹-модда. Нодавлат таълим фаолиятини хабардор қилиш тартибда амалга ошириш

Мактабдан ташқари таълим ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматларини кўрсатишга доир фаолият Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигини, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шаклидаги фаолият эса Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигини белгиланган тартибда хабардор қилиш орқали амалга оширилади.

58-модда. Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан, шунингдек комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мактабгача, умумий ўрта таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ҳамда ўқув дастурларига мувофиқлик жиҳатидан аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилади.

Ўрта махсус, профессионал, олий таълимни ва олий таълимдан кейинги таълимни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари, би-

тирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжатларни берувчи, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига, шунингдек таълим дастурларига мувофиқлик жиҳатидан комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказилади.

Аттестация ва комплекс давлат аккредитацияси икки босқичда — таълим ташкилотлари фаолиятини ички баҳолаш ва ташқи баҳолаш босқичларида ўтказилади.

Ички баҳолаш таълим ташкилотининг ўзини ўзи баҳолашидир.

Ташқи баҳолаш ички баҳолаш ўтказилганидан кейин таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ёки республикада тан олинган халқаро аккредитация ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган баҳолашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ташкил этилган, шунингдек вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилган таълим ташкилотлари ташкил этилган кундан эътиборан белгиланган муддатга аккредитация қилинган ҳисобланади.

Мактабгача, умумий ўрта таълимни амалга оширувчи нодавлат таълим ташкилотлари тегишли лицензия олинган кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган муддат давомида аккредитациядан ўтган деб ҳисобланади, бу муддат тугагач, ушбу Қонунда белгиланган тартибда аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказилади.

Таълим ташкилотларини давлат аккредитациясидан, шунингдек комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтказиш мақсадида таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳузурида доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссиялари тузилади.

Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари республикада тан олинган халқаро аккредитация ташкилотларига қўйиладиган талабларни белгилайди ва уларнинг реестрларини юритади.

Давлат аккредитацияси таълим ташкилотининг аттестацияси асосида, комплекс ва махсус давлат аккредитациялари эса ташқи баҳолаш асосида амалга оширилади. Доимий фаолият кўрсатувчи давлат аккредитация комиссияси таълим ташкилотининг мақомини ва унинг фаолияти давлат таълим стандартларига, давлат таълим талабларига ва ўқув дастурларига мувофиқлигини аниқлайди.

Таълим ташкилотининг давлат аккредитацияси, шунингдек комплекс ва махсус давлат аккредитацияси тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, унга давлат аккредитацияси, шунингдек комплекс ва махсус аккредитацияларнинг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда белгиланган намунадаги сертификат берилади.

Таълим ташкилоти қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳолларда давлат аккредитацияси, шунингдек комплекс ва махсус давлат аккредитацияси

тўғрисидаги сертификатнинг амал қилиши таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органининг қарори билан тугатилади.

Таълим тўғрисидаги қонунчилик талаблари ёки сертификатда кўрсатилган шартлар бузилганлиги аниқланган ва аниқланган қоидабузарликлар таълим ташкилоти томонидан бартараф этилмаган ҳолларда таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан давлат аккредитацияси, комплекс ва махсус давлат аккредитация тўғрисидаги сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Давлат аккредитациясидан, шунингдек комплекс ва махсус давлат аккредитациясидан ўтган таълим ташкилотлари Таълим ташкилотларининг реестрларига киритилади ва бу ҳақдаги маълумотлар таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

59-модда. Таълим ташкилотларининг фаолиятини ички ва ташқи баҳолашдан ўтказиш

Таълим ташкилотларининг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан олдин улар таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан ишлаб чиқилган аттестация мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ўз фаолиятини мустақил равишда ички баҳолашдан ўтказиши.

Таълим ташкилотлари ўз фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилишидан икки ой олдин ички баҳолаш натижаларини таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органига тақдим этади.

Таълим соҳасидаги тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи таълим ташкилотининг фаолиятини ички баҳолаш яқунларини ўрганади ва улардан таълим ташкилотининг фаолиятини ташқи баҳолаш жараёнида фойдаланади.

Таълим ташкилоти раҳбари ички баҳолаш натижаларининг ишончилиги учун жавобгар бўлади»;

17) 60-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан амалга оширилади»;

18) 61-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш тегишли ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи томонидан амалга оширилади»;

19) 62-модданинг саккизинчи қисмидаги «Молия вазирлиги» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган «**Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида**» -

ги ЎРҚ–641-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 594-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **11-модда тўққизинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «олий ўқув юртдан кейинги» деган сўзлар «олий таълимдан кейинги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «олий ўқув юртдан кейинги» деган сўзлар «олий таълимдан кейинги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **109-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган» деган сўзлар «рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланадиган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **111-модда саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «олий ўқув юртларига» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида**»-ги ЎРҚ–647-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 653-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 7, 537-модда, № 11, 923, 924-моддалар) **19-моддасининг еттинчи қисмидаги** «олий ўқув юртларида» деган сўзлар «олий таълим ташкилотларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган «**Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, №11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **1-илованинг 1-позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

1.	Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолият учун лицензия	Мактабгача таълим хизматлари (бундан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг хизматлари мустасно);	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
		умумий ўрта таълим хизматлари;	
		ўрта махсус таълим хизматлари;	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
		профессионал таълим хизматлари;	
		олий таълим хизматлари;	
олий таълимдан кейинги таълим хизматлари;	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги		
автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари хайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш.			

»;

2) **3-илова:**

11-позициясининг «Хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12-позициясининг «Хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30-позициясининг «Хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги ваколатли органлар» устунидаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

27-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 сентябрь,
ЎРҚ–957-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

315 Тadbиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер ресурсларининг инвестициявий имкониятларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармони билан бошланган ер муносабатлари соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижара ҳуқуқи асосида сотиб олиш қийматини қуйидаги шартларда ҳар ойда тенг улушларда, қолдиқ суммага Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз ҳисоблаган ҳолда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади:

Тошкент, Нукус шахарлари ва вилоятлар марказларида — 3 йил давомида камида 35 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунда амалга ошириш шарти билан;

бошқа аҳоли пунктларида — 5 йил давомида, 4- ва 5-тоифалардаги туманларда эса 10 йил давомида камида 15 фоиз миқдорида дастлабки тўловни ўн беш иш кунда амалга ошириш шарти билан;

б) барча турдаги ер участкаларининг қиймати ўн беш иш кунда тўлиқ тўланган тақдирда, жами суммага нисбатан 20 фоиз чегирма берилади, бундан бошланғич нархи 50 фоиздан ортиққа пасайтирилган ҳолда реализация қилинган ер участкалари мустасно;

в) ер участкалари энг яхши таклифни танлаш асосида баҳоловчи ташкилот аниқлайдиган бозор қийматида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри реализация қилинганда, ушбу ер участкаси учун қуйидаги шакллардан бирида ҳисоб-китоб қилиниши мумкин:

ер участкасининг қийматини бевосита тўлаш, шу жумладан, ушбу бандга мувофиқ бўлиб-бўлиб тўлаш;

ер участкасининг қийматини талабгор томонидан ташкил этилган (ташкил этиладиган) хўжалик жамиятининг устав фондига 1-иловада белгиланган шартлар асосида давлат улуши сифатида киритиш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига саноат зоналари, аҳоли пунктлари ҳудуд-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

ларининг қисмлари, хусусан, янги барпо этиладиган кўп квартирали ва якка тартибдаги уй-жой массивлари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳудудларини (кейинги ўринларда — янги массивлар) шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ишларига 2-иловада белгиланган асосий шартларга мувофиқ лойиҳа ташкилотларини энг яхши таклифларни танлаш асосида жалб қилиш ҳуқуқи берилсин. Бунда:

лойиҳа ташкилотлари янги массив барпо этиладиган ҳудудни танлаш, ер участкаларини қурилиш учун тайёр ҳолатга келтириш, ҳудудни зоналаштириш ва унинг мастер режасини ишлаб чиқиш, ер участкаларини лотларга бўлган ҳолда «E-auction» электрон савдо платформаси орқали электрон он-лайн аукцион савдоларида реализация қилиш ишларини ташкил этади;

янги массив ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ишларига лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш бўйича харажатларнинг 30 фоизгача қисми (аванс тўлови) тегишлича тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса, лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган тақдирда, ушбу янги массивдаги ер участкаларини реализация қилишдан мазкур жамғармаларга тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

3. Белгилансинки, хусусий инвесторлар ташаббуси билан янги массивларни барпо этишда ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар 3-иловада назарда тутилган асосий шартларга мувофиқ расмийлаштирилади. Бунда:

хусусий инвесторга тегишли ер участкалари ҳамда улар оралиғида жойлашган кўп квартирали уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерлар Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномаси асосида ягона ер участкасига бирлаштирилади;

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномасида хусусий инвесторга тегишли бўлган ер участкаларининг жами майдони ҳамда кўп квартирали уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг жами майдони алоҳида кўрсатилади;

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномаси хусусий инвесторга бирлаштирилган ер участкасида қурилиш соҳасида рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ваколатли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради;

бирлаштирилган ер участкаси ҳудудида лойиҳалаштириладиган ва қуриладиган объектлар эгаллайдиган жами ер майдони Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномасида хусусий инвесторга тегишлилиги кўрсатилган ер участкаларининг жами майдонидан ошмаслиги шарт;

бирлаштирилган ер участкаси ҳудудида қурилиши режалаштирилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари келишилганидан кейин, уларга асосан Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномаси расмийлаштирилади, унда хусусий инвесторга тегишли бўладиган ер участкаларининг, кўп квартирали уйларга туташ ерларнинг ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг янги чегаралари кўрсатилади.

4. Белгилансинки:

мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган ҳолларда янги массивлар, қоида тариқасида, бўш турган ер участкалари ўрнида ташкил этилади, бунда лойиҳа янги массив ҳудудидаги ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиладиган ягона ер участкасига бирлаштириш орқали амалга оширилади;

мазкур Фармоннинг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда янги массивлар, қоида тариқасида, олдиндан бўш бўлмаган ер участкалари ўрнида ташкил этилади, бунда лойиҳа янги массив ҳудудидаги ер участкаларини хусусий инвестор эгаллигидаги ягона ер участкасига бирлаштириш орқали амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан янгидан ажратишда (реализация қилишда) 4-иловада белгиланган асосий шартлар асосида мазкур ер участкасида бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қурилишни бошлаш ва яқунлаш ҳамда объектни фойдаланишга топшириш муддатлари мажбурий равишда кўрсатилади;

янги реализация қилинган ер участкаларига нисбатан объектни фойдаланишга топшириш даврига тенг бўлган, бироқ уч йилдан кўп бўлмаган муддатда ер солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорида қўлланади, бундан Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида жойлашган ер участкалари мустасно;

қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш учун сарфланган муддат, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг суд томонидан қонунга ҳилоф деб топилган хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида ўтказиб юборилган муддат объектни фойдаланишга топшириш муддатидан чегириб ташланади;

лоyiҳалаш, қурилишни бошлаш ва яқунлаш ҳамда объектни фойдаланишга топшириш муддатларига риоя қилинмаганда, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер участкасини бошқа шахсга реализация қилиш учун электрон онлайн аукционга чиқариш тўғрисида судга мажбурий тартибда даъво аризаси киритилади;

суд қарорига асосан ер участкасини такроран реализация қилишдан тушган маблағлар ҳисобидан ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинган шахсга мазкур ер участкасини олиш учун ҳақиқатда тўлаган маблағлари қайтариб берилади, бунда ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ва аукцион ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегириб қолинади.

6. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб:

ер фондининг барча тоифалари ва ер турлари, шу жумладан, олдиндан мавжуд ва янгидан ажратиладиган (реализация қилинадиган) ер участкалари учун ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари жорий этилади;

ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш тури Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари ва капитал қурилиш объектларининг ягона классификаторига му-

вофик асосий, шартли равишда рухсат берилган ва ёрдамчи турларда белгиланади, бунда ер участкасида жойлашган капитал қурилиш объектдан фойдаланиш мақсади ер участкасининг рухсат этилган фойдаланиш турига мувофик бўлиши шарт;

ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш тури ер участкаларини беришда (реализация қилишда), уларни баҳолаш, аукцион савдолари учун бошланғич нархини аниқлашда, қурилиш соҳасида рухсат берувчи хусусиятга эга ҳужжатларни расмийлаштиришда, ижтимоий ва инфратузилма объектларига юкламани ҳисоблашда, солиқ ставкаларига оширувчи ва камайтирувчи коэффициентларни қўллашда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда инobatга олинади;

шартли рухсат этилган фойдаланиш тури учун рухсатнома олишга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ижтимоий ва инфратузилма объектларига қўшимча юкламани компенсация қилиш шarti билан йўл қўйилади, бунда ушбу тўловлар Тошкент шаҳрида 2027 йил 1 январга қадар ҳуқуқий эксперимент доирасида киритилган қурилиш ҳажмининг ҳар бир куб метри учун ундириладиган тўловлар шаклида олинади;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича) ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича) рухсат этилган фойдаланиш турини белгилаш ва ўзгартириш масалаларида ваколатли органлар ҳисобланади.

7. Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда ер ресурсларининг инвестициявий имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар дастури 5-иловага* мувофик тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.

9. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 сентябрь,
ПФ–135-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги
ПФ–135-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

**Ер участкасининг қиймати хўжалик жамиятининг
устав фондига киритишнинг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Махсус иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун, шунингдек, қиймати 10 миллион АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ер участкаси ажратилганда, ушбу ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланадиган бозор қиймати хўжалик жамиятининг устав фондида давлат улуши сифатида киритилиши мумкин.

2. Ер участкасининг қиймати талабгор томонидан ташкил этилган (ташкил этиладиган) хўжалик жамиятининг (масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти) устав фондида Давлат активларини бошқариш агентлиги ёки инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хўжалик жамиятининг устав фондидаги давлат улушини бошқарувчи бошқа давлат органининг улуши ёхуд давлат органи иштирокида ташкил этилган бошқа хўжалик жамиятининг улуши (ушбу жамиятнинг устав фондидаги давлат улушини оширган ҳолда) сифатида киритилади.

3. Хўжалик жамиятининг устав фондида киритиш назарда тутилган ер участкаси давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши лозим.

4. Ер участкасининг қиймати устав фондида киритилган пайтдан бошлаб ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи хўжалик жамиятига тегишли бўлади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

5. Ер участкасининг қиймати шаклидаги давлат улуши хўжалик жамияти устав фондининг 49 фоизидан ошмаслиги шарт.

6. Хўжалик жамияти янги ташкил этилган ёки ер участкасининг қиймати шаклидаги улуш устав фондининг 49 фоизидан ошиб кетган тақдирда, муассисларга устав фондининг 51 фоиздан ортиқ қисмини бошқа манбалар ҳисобидан амалда шакллантириш учун таъсис ҳужжатларида келишилган, олти ойдан уч йилгача бўлган муддат берилади.

Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда, ер участкаси унда барпо этилган бино ва иншоотлар билан бирга (агар мавжуд бўлса) давлат эгалигига ўтади.

7. Хўжалик жамиятининг устав фондидаги иштирокчиларнинг биргаликда фаолият олиб бориши шартлари инвестиция битимида назарда тутилиши зарур.

8. Ер участкасининг қиймати шаклида хўжалик жамиятининг устав фондида киритилган давлат улуши, агар бошқа муассислар томонидан уни имтиёзли сотиб олиш рад этилган тақдирда, инвестиция битимида назар-

да тутилган муддатда (қоида тариқасида уч йилдан кейин) қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий савдолар орқали хусусийлаштирилиши мумкин.

Барча ҳолларда ер участкасининг қиймати ҳисобига шакллантирилган улуш мазкур улушни сотиш пайтида баҳоланган қийматида сотилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги
ПФ–135-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Янги массивлар ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан
режалаштириш ишларига лойиҳа ташкилотларини энг яхши
таклифларни танлаш асосида жалб қилишнинг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Саноат зоналари, аҳоли пунктлари ҳудудларининг қисмлари, хусусан янги барпо этиладиган кўп квартирали ва якка тартибдаги уй-жой массивлари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳудудларини (кейинги ўринларда — янги массивлар) шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш ишларига Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳудуднинг мастер режасини ишлаб чиқувчи ташкилотлар учун белгиланган талабларга мувофиқ бўлган, шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш бўйича камида уч йиллик тажрибага эга бўлган ташкилотлар (кейинги ўринларда — лойиҳа ташкилотлари) энг яхши таклифларни танлаш асосида жалб қилиниши мумкин.

2. Энг яхши таклифларни танлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда ҳар бир янги массив учун алоҳида ўтказилади.

3. Энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат хариди тўғрисидаги ахборот махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг расмий веб-сайтига танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини жойлаштириш йўли билан ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

4. Лойиҳа ташкилотлари ўз тадбиркорлик таваккалчилиги асосида қуйидаги вазифаларни бажаради:

буюртмачининг талабига кўра янги массив барпо этиладиган ҳудудни танлаш;

янги массив ҳудудига киритиладиган ер участкаларининг рўйхатини шакллантириш, янги массив ҳудудининг чегараларини белгилаш ишларини ташкил этиш;

ҳудудни зоналаштириш ва шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш тўғрисидаги ҳужжатларни, хусусан, ҳудуднинг мастер-режасини ишлаб чиқиш;

ер участкаларини реализация қилишдан олдин уларни қурилиш учун тайёр ҳолатга келтириш бўйича зарур ишлар ҳажмини белгилаш;

ер участкаларини лотларга бўлган ҳолда «E-auction» электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион савдоларида реализация қилиш ишларини ташкил этиш;

ушбу асосий шартларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3895-сон қарорида назарда тутилган «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари дирекциялари зиммасига юкланган вазифаларни ҳамда шартномада назарда тутилган бошқа ишларни бажариш.

5. Янги массивларни барпо этиш, бунинг учун лойиҳа ташкилотларини жалб қилиш туман (шаҳар) ҳокимлигининг таклифига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

6. Лойиҳа ташкилоти:

янги массив ҳудудини режалаштириш ва қуриш бўйича ҳужжатлар — батафсил режалаштириш лойиҳаси, қуриш лойиҳаси, мастер-режани (кейинги ўринларда — шаҳарсозлик ҳужжатлари)ни ишлаб чиқади, ваколатли органлардан қурилиш соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар олинишини таъминлайди;

янги массив ҳудудини бўшатиш ва қурилиш учун тайёрлаш ишларини ташкил қилади, бунда айрим жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини янги массив ҳудудига киритиш зарур бўлган тақдирда, улар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ўртасида ихтиёрий келишув асосида ер участкасига ва бошқа кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқлардан ҳақ эвазига ихтиёрий воз кечиш тўғрисида шартнома тузилишини таъминлайди;

ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳудуд чегараларига қадар, ички муҳандислик-коммуникация тармоқларини ҳар бир лот чегарасига қадар олиб келиш ишларини режалаштиради;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган харажатларни амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги ҳақида ўз тавсияларини беради.

7. Ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини янги массив ҳудуди чегараларига қадар қуриш харажатларини бошқа манбалар ҳисобидан қоплаш назарда тутилган ҳолларда, ушбу харажатлар лойиҳа ташкилотининг харажатлари таркибига киритилмайди.

8. Янги массив ҳудудидаги бўш ер участкаларининг қиймати лойиҳа ташкилоти ёки Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармаси томонидан жалб қилинган ташкилот томонидан олдиндан баҳоланиши шарт.

Бунда ер участкаларининг олдиндан баҳоланган қиймати ва кейинчалик электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотилган қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий сальдога қараб лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилганлигига баҳо берилади.

9. Янги массив ҳудудидаги ер участкаларининг камида 60 фоизи шаҳар-созлик ҳужжатлари асосида лотларга бўлинган ҳолда қонунчиликда белги-ланган тартибда электрон онлайн аукцион савдолари орқали реализация қилиниши шарт.

10. Мазкур асосий шартларнинг 6-бандида назарда тутилган харажатларни молиялаштириш учун тегишлича тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармалари ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 30 фоизгача аванс тўлови тўлашга рухсат берилади.

Харажатларнинг қолган қисми ушбу янги массив ҳудудидаги ер участкаларини реализация қилишдан юқорида кўрсатилган жамғармаларга тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

11. Мазкур асосий шартларнинг 6-бандида назарда тутилган харажатлар суммаси янги массив ҳудудидаги ер участкаларининг олдиндан баҳоланган қиймати ва кейинчалик электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотилган қиймати ўртасидаги ижобий сальдо миқдоридан ошган тақдирда, лойиҳа ташкилотига шартнома суммаси тегишли миқдорга камайтирилган ҳолда тўлаб берилади.

12. Лойиҳа ташкилоти билан тузилган шартномада бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) учун мукофот пули назарда тутилиши мумкин.

Мукофот пули миқдори:

лойиҳа ташкилоти билан тузилган шартнома суммасининг 10 фоизидан;

янги массив ҳудудидаги ер участкаларининг олдиндан баҳоланган қиймати ва кейинчалик электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотилган қиймати ўртасидаги ижобий сальдонинг 10 фоизидан, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги
ПФ–135-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

**Хусусий инвесторлар ташаббуси билан барпо этиладиган
янги массивлар ҳудудидаги ер участкаларига бўлган
ҳуқуқларни расмийлаштиришнинг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Хусусий инвесторлар томонидан қуйидаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бирлаштириш орқали sanoat зоналари, аҳоли пунктлари ҳудудларининг қисмлари, хусусан, кўп квартиралари ва яқка тартибдаги уй-жой массивлари, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари (кейинги ўринларда — янги массивлар) барпо этилиши мумкин:

хусусий инвесторга мулк ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, доимий фойдаланиш ва узоқ муддатли ижара ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкалари;

юрidik ва жисмоний шахсларга тегишли ер участкалари;

кўп квартиралари уйлар жойлашган ерлар;

кўп квартиралари уйларга туташ ҳамда умумий фойдаланишдаги ерлар.

2. Хусусий инвестор юрidik ва жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни қуйидаги шартномалар асосида олиши мумкин:

кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси;

кўчмас мулкни айирбошлаш шартномаси, шу жумладан, мавжуд объектни келгусида қуриладиган объект билан алмаштиришни назарда тутувчи, гаров билан таъминланган айирбошлаш шартномаси;

ўзига тегишли ер участкаси ўрнида режалаштирилган янги объектни қуриш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини юрidik ва жисмоний шахсларнинг ўзида қолдириш тўғрисида шартнома.

Мазкур шартномалар тарафлар томонидан ўзаро келишув ва манфаатдорлик асосида тузилади ҳамда нотариал тасдиқланади, ушбу шартномаларни тузишда тарафларга давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади.

3. Юрidik ва жисмоний шахслар ҳамда хусусий инвестор ўртасидаги шартнома объекти мулкдорга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган ва ушбу ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган қуйидаги кўчмас мулклар бўлиши мумкин:

ер участкалари;

бино ва иншоотлар — Ер кодексининг 22-моддасига мувофиқ, ушбу объектлар жойлашган ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, доимий фойдаланиш ва узоқ муддатли ижара ҳуқуқи билан бирга;

кўп квартиралари уйдаги турар ва нотурар жойлар — жой мулкдорларининг ҳар бири билан келишувга эришилган ва шартномалар тузилган тақдирда, ушбу кўп квартиралари уй жойлашган ер участкасига доимий фойдаланиш

ҳуқуқи билан бирга (бундан кўп квартирали уйларга туташ ҳамда умумий фойдаланишдаги ерларга бўлган ҳуқуқлар мустасно).

4. Давлат органлари ва муассасаларига, давлат корхоналари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик жамиятларига тегишли ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни хусусий инвесторга ўтказиш давлат мулкни хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади, бундан мазкур асосий шартларда назарда тутилган аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига ва улар устидаги объектларга бўлган ҳуқуқлар мустасно.

5. Тегишли ҳуқуқлар ушбу асосий шартларда белгиланган тартибда хусусий инвестор тасарруфига ўтган ерлар Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномаси (кейинги ўринларда — бирлаштириш далолатномаси) асосида ягона ер участкасига бирлаштирилади.

Бунда бирлаштирилаётган барча ер участкаларини ушбу ерларга бўлган ҳуқуқ тури, ер участкаси ва унда қурилган объектнинг тури, объектнинг қурилиши тугалланган ёки тугалланмаганлигидан қатъи назар, ягона ер участкасига бирлаштиришга йўл қўйилади.

6. Бирлаштириш далолатномасини тузишда хусусий инвесторга тегишли ер участкалари оралиғида жойлашган (ушбу ерлар билан тўлиқ ўраб олинган) қуйидаги ерлар ҳам ягона ер участкаси ҳудудига киритилади (Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 25 мартдаги 149-сон қарорига асосан Тошкент шаҳри ҳокимининг қарори билан реновация лойиҳаси амалга ошириладиган реновация ҳудуди чегарасига киритилган ерлар бундан мустасно):

кўп квартирали уйлар атрофидаги (уйларга туташ) ер участкалари (Ер кодексининг 63-моддаси);

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерлари (Ер кодексининг 64-моддаси).

Бунда ушбу ерлардан доимий фойдаланиш ҳуқуқи (агар мавжуд бўлса) бирлаштириш далолатномаси расмийлаштирилган кундан тугаган ҳисобланади.

7. Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказларида ҳар бир янги массивда мазкур асосий шартларнинг 6-бандига асосан ягона ер участкаси ҳудудига киритиладиган кўп квартирали уйлар атрофидаги ва умумий фойдаланишдаги ер участкаларининг жами майдони мазкур асосий шартларнинг 3-бандига асосан олинган ер участкалари жами майдонининг 35 фоизидан ошмаслиги керак.

8. Бирлаштириш далолатномаси кўп квартирали уйлар атрофидаги ҳамда умумий фойдаланишдаги ер участкаларини доимий фойдаланиш учун ажратиш тўғрисидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини (агар мавжуд бўлса) бекор қилиш (ўзгартириш) учун ҳам асос бўлади.

9. Бирлаштириш далолатномасига киритилган ер участкаларини тўлиқ кесиб ўтган линияли объектлар — муҳандислик-коммуникация тармоқлари (электр, газ, алоқа, сув ва канализация тармоқлари, йўллар) уларни сақловчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда хусусий инвестор ҳисобидан қўчирилади ёки ўз ўрнида қолдирган ҳолда янги массив ҳудудини батафсил режа-

лаштириш лойиҳаси асосида қайта реконструкция қилиниб (таъмирланиб), балансда сақловчига қайтадан топширилади.

10. Бирлаштириш далолатномасида хусусий инвесторга тегишли бўлган ер участкаларининг жами майдони ҳамда кўп квартиралли уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг жами майдони квадрат метрларда ва фоизда алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

11. Бирлаштириш далолатномаси:

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган, бирлаштириш далолатномасида кўрсатилган ер майдони ҳудудидаги ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш;

қурилиш даврини кўрсатган ҳолда бирлаштирилган ер участкасига 49 йилгача ижара ҳуқуқини белгилаган ҳолда туман (шаҳар) ҳокими ва хусусий инвестор ўртасида ер ижараси шартномасини тузиш;

бирлаштирилган ер участкасида қурилиш соҳасида рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ваколатли органларга мурожаат қилиш учун асос бўлади.

12. Бирлаштирилган ер участкаси ҳудудида лойиҳалаштириладиган ва қуриладиган объектлар эгаллайдиган жами ер майдони бирлаштириш далолатномасида хусусий инвесторга тегишлилиги кўрсатилган ер участкаларининг жами майдонидан ошмаслиги, янги лойиҳага кўра кўп квартиралли уйларга туташ ерларнинг ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг майдони эса, бирлаштириш далолатномасида кўрсатилган кўп квартиралли уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг майдонидан кам бўлмаслиги шарт.

Мисол учун: янги массив барпо этиш режалаштирилган ҳудуд майдони — 5 гектар. Шундан 3,3 гектарини бино ва иншоотлар остидаги ерлар, қолган 1,7 гектарини (34 фоизини) кўп квартиралли уйлар атрофидаги ва умумий фойдаланишдаги ерлар ташкил қилади.

Бунда янги массивнинг батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳасида ҳам камида 1,7 гектар (34 фоиз) кўп квартиралли уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерлар назарда тутилган бўлиши шарт.

13. Бирлаштирилган ер участкаси ҳудудида қурилиши режалаштирилган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари келишилганидан кейин, уларга асосан Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномаси (кейинги ўринларда — бўлиш далолатномаси) расмийлаштирилади.

14. Бўлиш далолатномасида хусусий инвесторга тегишли ер участкаларининг, шу жумладан, кўп квартиралли уйлар жойлашадиган ер участкаларининг, шунингдек, кўп квартиралли уйларга туташ ерлар ва умумий фойдаланишдаги ерларнинг майдони ва янги чегаралари кўрсатилади.

15. Бўлиш далолатномаси унда кўрсатилган чегараларга мувофиқ кўп квартиралли уйлар жойлашган ер участкалари, кўп квартиралли уйлар атрофидаги (туташ) ер участкалари ҳамда умумий фойдаланишдаги ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқини ушбу Фармонга 4-иловининг 12-бандида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишлича кўп кварти-

рали уй мулкдорларига ва фойдаланувчи ташкилотларга топшириш учун асос бўлади.

16. Янги массив ҳудудига киритилган ерлардаги кўп йиллик дов-дарахтлар бирлаштириш далолатномаси тузилишидан олдин Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги органлари томонидан ҳисобга олинади ва рақамланади. Бунда:

ҳудуддаги жами кўп йиллик дарахтлар сони ва яшил ҳудудлар майдони камаймаслиги шарт;

батафсил режалаштириш ва қуриш лойиҳасида 10 йил ва ундан олдин экилган дарахтларни кесиш назарда тутилмаслиги ва қурилиш даврида ушбу дов-дарахтларга зарар етказилмаслиги шарт;

10 йил ичида экилган дарахтларни янги массив ҳудуди ичида бошқа жойга кўчиришга ҳар бир дарахт ўрнига шу турдаги 10 та янги кўп йиллик дарахтни янги массив ҳудудининг ўзида экиш ва уларни камида беш йил парваришlash шарти билан рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги
ПФ–135-сон Фармонида
4-ИЛОВА

**Янги ажратилган ер участкасида бино ва иншоотларни
лойиҳалаш, қурилишни бошлаш, қурилишни якунлаш
ҳамда объектни фойдаланишга топшириш
муддатларини белгилашнинг
АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ер участкаларини мулк ҳуқуқи, ижара ҳуқуқи ва доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратишда (реализация қилишда) ушбу ер участкасида рухсат этилган фойдаланиш турига мувофиқ барпо этиладиган бино ва иншоотлар сони ва тури мажбурий равишда кўрсатилади.

2. Янги ажратилган ер участкасида бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қурилишни бошлаш, қурилишни якунлаш ҳамда объектни фойдаланишга топшириш муддатлари ер участкасини ажратиш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланади.

Заруратга кўра, ушбу муддатлар ер участкасини ажратиш (реализация қилиш) тўғрисидаги ҳужжатга илова қилинадиган режа-графикда белгилашни мумкин.

3. Муддатларни белгилашда ер участкасида барпо этиладиган объектни фойдаланишга топшириш муддати ер участкаси ажратилган санадан бошлаб қуйидаги муддатлардан ошмаслиги керак:

ер участкасининг майдони 0,1 гектаргача бўлганда — 2 йил;

ер участкасининг майдони 0,1 гектардан 1 гектаргача бўлганда — 3 йил;

ер участкасининг майдони 1 гектардан 10 гектаргача бўлганда — 4 йил;
ер участкасининг майдони 10 гектардан ортиқ бўлганда — 5 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларида ушбу ҳужжатлар асосида қуриладиган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича бошқа муддатлар белгиланиши мумкин.

4. Янги реализация қилинган ер участкаларига нисбатан объектни фойдаланишга топшириш даврига тенг бўлган, бироқ уч йилдан кўп бўлмаган муддатда ер солиғи ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланади, бундан Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида жойлашган ер участкалари мустасно.

Бино ва иншоотлар ўз вақтида фойдаланишга топширилмаган тақдирда, ушбу солиқ имтиёзи суммаси Марказий банкнинг асосий ставкасида фоиз ҳисобланган ҳолда тўлиқ ундирилади.

5. Мазкур асосий шартларда назарда тутилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар қонунчиликка мувофиқ бошқа шахсга ўтказилиши (қайта ижарага берилиши) ёки гаровга қўйилиши мумкин.

Бунда бино ва иншоотларни лойиҳалаш, қурилишни бошлаш, қурилишни якунлаш ҳамда объектни фойдаланишга топшириш муддатлари ўзгармайди, ушбу муддатларга рия қилинишини таъминлаш мажбурияти ер участкасига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг янги эгасига ўтади.

6. Битта ер майдонида бир нечта бино ва иншоотлар қуриш назарда тутилган тақдирда, мазкур асосий шартларда назарда тутилган талаблар ҳар бир бино ва иншоот учун алоҳида-алоҳида белгиланади.

7. Лойиҳалаш, қурилишни бошлаш, қурилишни якунлаш ҳамда объектни фойдаланишга топшириш муддатларига рия қилинмаганда, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер участкасини бошқа шахсга реализация қилиш учун электрон онлайн аукционга чиқариш тўғрисида судга мажбурий тартибда даъво аризаси киритилади.

8. Суд қарорига асосан ер участкасини такроран реализация қилишдан тушган маблағлар ҳисобидан ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинган шахсга мазкур ер участкасини олиш учун ҳақиқатда тўлаган маблағлари (навбатдаги аукционда тушган маблағдан ошмаган миқдорда) қайтариб берилади, бунда ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ва аукцион ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегириб қолинади.

Ер участкаси ҳудудини аввалги ҳолатга қайтариш, қурилган объектларни бузиш ва ҳудудни тозалаш ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилинган шахс ҳисобидан амалга оширилади.

9. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг суд томонидан қонунга хилоф деб топилган хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида, шу жумладан, қурилиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш жараёнида ўтказиб юборилган муддат объектни фойдаланишга топшириш муддатидан чегириб ташланади.

10. Форс-мажор ҳоллари юз берганда мазкур асосий шартларда назарда тутилган муддатлар суд томонидан узайтирилиши мумкин.

11. Барча ҳолатларда қуйидаги ер участкалари уларда барпо этиладиган объектларни қуриб битказиш ва фойдаланишга қабул қилиш муддатига ижара ҳуқуқи билан ажратилади (реализация қилинади):

кўп квартирали уйлар қуриладиган ва унга туташ ер участкалари;
жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилиб, давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топшириладиган объектлар қуриладиган ер участкалари.

12. Мазкур асосий шартларда назарда тутилган ер участкаларида қурилган объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича рұхсатнома, ер участкасига бўлган ҳуқуқ туридан қатъи назар, қуйидаги ер участкаларига нисбатан доимий фойдаланиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади:

кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкалари, шу жумладан, мазкур Фармон кучга киргунига қадар доимий фойдаланиш ҳуқуқидан бошқа ҳуқуқлар билан тегишли ер участкаларида қуриб фойдаланишга топширилган кўп квартирали уйлар жойлашган ва уларга туташ ер участкаларига нисбатан — кўп квартирали уй мулкдорлари номига;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилиб, давлат органлари, муассасалари ва корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топшириладиган объектлар эгаллаган ерларга нисбатан — тегишли давлат органи, муассасаси, корхонаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номига.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 6 сентябрдаги
ПФ–135-сон Фармони
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–33-сон Фармони 3-бандининг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон онлайн-аукцион ғолибларига лот қийматини қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги «Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида»ги ПФ–101-сон Фармонининг 2-бандида:

а) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини мулк ҳуқуқи асосида аукцион орқали сотишда қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади»;

б) тўртинчи хатбошидан «ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 июндаги «Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–153-сон Фармонининг 4-банди бешинчи хатбошисидан «ер майдонлари ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–264-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«жисмоний ва юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларига ижара ҳуқуқини электрон онлайн-аукционда сотиб олиш қийматини қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб тўлаш имкониятини яратиш».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги «Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–376-сон қарорининг 6-банди учинчи хатбошисидаги «10 йил муддатда тенг улушларда» сўзлари «қонунчиликда белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги «Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–39-сон қарорининг 4-банди «б» кичик бандидан «ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 28 февралдаги «Хоразм вилоятида тадбиркорларга қулай шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–89-сон қарорининг 3¹-банди учинчи хатбошисидан «ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–162-сон қарорининг 6-бандида:

а) «а» кичик банддан «ва сотиб олиш тўловларининг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисмини 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «б» кичик бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**316** Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида*

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда давлат тиббий суғуртаси механизмларини республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилиш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, давлат тиббий суғуртаси доирасида бепул тиббий хизматлар кўрсатиш ва дори воситаларини тақдим этиш Давлат бюджетига тўланаётган солиқлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда аҳолидан давлат тиббий суғуртаси учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қуйидагиларни назарда тутувчи давлат тиббий суғуртаси механизмлари 1-иловага** мувофиқ босқичма-босқич жорий этилсин:

а) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда кафолатланган пакет) тасдиқланади ва ушбу пакетга киритилган тиббий хизматлар ва дори воситалари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан тақдим этилади;

б) кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш учун белгиланган муддатларда тегишли тиббий кўриклардан ўтиш, оилавий шифокорга ёки тиббиёт бригадасига мурожаат қилиш талаб этилади (шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно). Бунда оилавий шифокор даволаш ва ташхислаш стандартларига мувофиқ тор соҳа шифокорларига, зарур ҳолларда шифохоналарга электрон йўлланма беради ҳамда бемор мазкур йўлланма асосида тор соҳа шифокори томонидан кўриқдан ўтказилади ва (ёки) шифохонага ётқизилади. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади;

в) бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатувчи ташкилот ва унга бириктирилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар (вояга етмаганлар учун ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари) ўртасида битим тузилади.

Битимда аҳолига соғлом турмуш тарзига риоя этиш, зарарли одатлардан воз кечиш, ўз тиббий саводхонлигини ошириш, шифокор кўрсатмаларига амал қилиш, профилактик ва скрининг кўриклардан белгиланган муддатларда ўтиш, оилавий шифокорга эса аҳолини белгиланган тартибда қабул қилиш ва маслаҳат (ёки йўлланма) бериш, тиббий хизматларни ўз вақтида,

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сифатли ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиш, дори воситаларини тўғри тайинлаш каби мажбуриятлар юклатилади;

г) шифокор расмийлаштирган электрон рецепт асосида дори воситалари қафолатланган пакет доирасида беморларга дорихоналар томонидан бепул берилади ва дорихоналарнинг тегишли сарф-харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қопланади (кейинги ўринларда — реимбурсация дастури).

Бунда реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, уларни қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартиби Жамғарма кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади;

д) тиббиёт ташкилотлари фаолиятидаги жараёнларни ўз ичига олувчи бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилинадиган «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизими яратилади ҳамда ишга туширилади;

е) қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларнинг Жамғарма орқали хариди жорий этилади ҳамда тиббиёт ташкилотлари ва Жамғарма ўртасида тузиладиган шартнома асосида улар фаолияти молиялаштириб берилади.

Бунда амбулатор тиббий хизмат кўрсатувчи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини молиялаштириш аҳоли жон бошига кўра шартномада белгиланган иш ҳажмига мувофиқ, шифохоналарни молиялаштириш эса (республика даражасидаги шифохоналар бундан мустасно) уларга ажратиладиган маблағларнинг 15 фоизидан кам бўлмаган қисмини ҳар бир даволанган ҳолатдан келиб чиқиб тўлаш орқали амалга оширилади;

ж) қафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматларни кўрсатишга давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари жалб этилади;

з) туман (шаҳар), вилоят ва республика шифохоналарида тиббий ёрдам кўрсатишда касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб, бепул даволанадиган касалликлар рўйхати тасдиқланади ва амалиётга жорий этилади;

и) имтиёзли тоифадаги шахслар шифокор кўрсатмасига биноан ахборот тизими орқали шакллантириладиган йўлланма асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул даволанади.

3. 2025 йил 1 июлдан бошлаб қуйидагилар давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилган ҳудудларда туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасаларида режали стационар тиббий ёрдамни электрон навбат асосида бепул олиш ҳуқуқига эга бўлади:

а) жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўловчилар;

б) Солиқ кодексига мувофиқ меҳнат стажини ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган миқдорларда солиқ тўлаган шахслар;

в) вояга етмаганлар, таълим ташкилотлари ўқувчи-талабалари, ҳомиладор аёллар ва икки ёшга тўлмаган боласини парваришлаётган шахслар, меҳнат органларида ишсиз сифатида расмий рўйхатдан ўтганлар, давлат пенсиясини олувчилар ҳамда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилаларнинг аъзолари.

2027 йил 1 январдан бошлаб сўнгги бир йил давомида камида олти ой жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ёки ижтимоий солиқ тўлаганлар, шунингдек, ушбу банднинг «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган шахслар учун давлат тиббий суғуртаси тизимида юқори технологик тиббий ёрдам бепул амалга оширилади.

Беморларни шифохонага йўллашда 2-иловага* мувофиқ вазирлик ва идоралар ўзларининг электрон ахборот тизимларини «Электрон соғлиқни сақлаш» ахборот тизимига интеграция қилган ҳолда мазкур бандда кўрсатилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни онлайн тарзда тақдим этиш имкониятини яратсин.

4. Қўйидагилар:

Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри давлат тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун тиббий асбоб-ускуналар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри давлат тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари рўйхати 4а-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун тиббий асбоб-ускуналар рўйхати 5- ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси давлат тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари рўйхати 5б-иловага* мувофиқ;

Сирдарё вилояти давлат тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун тиббий асбоб-ускуналар рўйхати 6- ва 6а-иловаларга* мувофиқ;

Сирдарё вилояти давлат тиббиёт муассасаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмалари рўйхати 6б-иловага* мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур бандга мувофиқ харид қилинадиган ахборот-коммуникация жиҳозлари ва тармоқ қурилмаларини, истисно тариқасида, лойиҳаолди ҳужжатлар ва техник-иқтисодий ҳисобни ишлаб чиқмасдан, «Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор — «UZINFOCOM» МЧЖ орқали етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида харид қилишга рухсат берилсин.

5. Мазкур қарорнинг 4-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун 2024 йилда қўйидаги манбалар ҳисобидан 170 млрд сўм йўналтирилсин:

Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасидан — 71 млрд сўм (шундан 21 млрд сўм қолдиқ маблағлар);

Давлат бюджетидан қўшимча ажратиладиган маблағлардан — 50 млрд сўм;

* 2 — 6б-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида — 23 млрд сўм;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан — 11 млрд сўм;

Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетидан — 10 млрд сўм;

Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетидан — 5 млрд сўм.

2025 йилдан бошлаб тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан боғлиқ зарур маблағлар Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутилади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш доирасида:

а) 2024 йил якунига қадар беморнинг барча тиббий маълумотлари асосида шакллантирилган ва тиббиёт муассасаларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлайдиган «Электрон поликлиника» ва «Электрон шифохона» ахборот тизимлари амалиётга жорий этилади;

б) кўрсатилган тиббий хизматларнинг кафолатланган пакетга мувофиқлигини ўрганиш, тиббиёт муассасаларига тўловларни улар томонидан бажарилган ишлар ҳажми ва эришилган натижага асосан амалга ошириш имконини берувчи давлат тиббий суғуртасининг ахборот тизими Жамғарма томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалиётга жорий қилинади;

в) тиббиёт муассасаси раҳбарига муассасанинг қуввати доирасида бўлинмалар ихтисослашувини, улардаги даво ўринлари сонини ўзгартириш ҳамда ажратилган маблағлар доирасида ходимлар сонини иш ҳажмига мувофиқ белгилаш ваколати берилади;

г) тиббий хизматлар хариди асосида Жамғарма орқали молиялаштирилдиган давлат тиббиёт муассасаларига бюджет маблағлари олувчиси мақоми берилади. Бунда уларга нисбатан Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартиб қўлланади;

д) тиббиёт муассасалари учун тасдиқланган штат меъёрлари тавсиявий тусга эга ҳисобланади ҳамда 2025 йил 1 июлдан бошлаб тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг алоҳида тартиби ҳамда шартлари татбиқ этилади;

е) кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг тасдиқланган стандарт ҳамда протоколларга мувофиқлиги ва сифатини назорат қилиш Жамғарма томонидан, тиббиёт муассасалари фаолиятини баҳоловчи индикаторларни ишлаб чиқиш ва улар асосида доимий мониторинг ўрнатиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб ҳудуд даражасидаги тиббиёт муассасаларига Давлат бюджетидан маблағ ажратиш (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратилдиган маблағлар бундан мустасно) мазкур қарорнинг 2-банди «б» ва «е» кичик бандлари ҳамда 6-банди «в» ва «г» кичик бандларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2024 йил якунига қадар кафолатланган пакетни қайта кўриб чиқиш

ҳамда уни ушбу мақсадлар учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Бунда кафолатланган пакетга республикада энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари ҳамда лаборатор ва диагностика текширувлари киритилади;

б) 2025 йил 1 апрелга қадар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхати ҳамда базавий нархларини касалликларни даволаш йўналишлари асосида барча тиббиёт ташкилотлари учун қайта тасдиқласин.

Бунда бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи йўлланма асосида бемор учун Жамғарма билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз хоҳишига кўра эркин танлаш имконияти яратилиши назарда тутилсин;

в) барча манбалар ҳисобидан харид қилинадиган тиббий жиҳозларни, шунингдек, компьютер техникаси ва бошқа техник воситаларни тақсимлашда уларнинг устувор равишда давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинадиган ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларига ажратилишини таъминласин;

г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш учун зарур тиббий жиҳозлар харидига Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармасидан фоизсиз ссуда бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

9. Жамғарма икки ой муддатда:

аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар сифати даволаш ва ташхислаш стандартларига мослигини ўрганиш ҳамда клиник жиҳатдан асосланганлигини текшириш, қилинган сарф-харажатлар иқтисодий самарадорлигини баҳолашни амалга оширувчи тиббий-иқтисодий экспертлар гуруҳини ташкил қилиш;

реимбурсация дастурини жорий этишга оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тегишли ахборот дастурини яратиш ҳамда ушбу тизимни республика бўйича босқичма-босқич жорий қилиш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

мазкур қарорнинг 7-бандига ҳамда 1-илоvasида белгиланган муддатларга мувофиқ соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида ўтказилишини;

соғлиқни сақлаш тизимига давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш жараёнида қўшимча талаб этиладиган маблағлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра ажратилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари давлат тиббий суғуртаси механизмлари жо-

рий қилинадиган муддатга қадар тиббиёт муассасаларини зарур жиҳозлар, компьютер техникаси ва бошқа техник воситалар, локал тармоқлар билан таъминлаш ишларини ташкил этсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибўстон кўчаси, 143-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари Жамғармага оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарманинг бино ва иншоотларини куриш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғармага ажратилган маблағлар доирасида қопланади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ҳисоб палатаси мазкур қарорда белгиланган тадбирлар кўрсатилган муддатларда сифатли ва тўлиқ бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда назорат тадбирлари натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи А.А. Худаяров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 5 сентябрь,
ПҚ–311-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги
ПҚ–311-сон қарорига
7-ИЛОВА

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига, Жамғарма кузатув кенгашининг қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамғарма ўз фаолияти тўғрисида Жамғарма кузатув кенгашига (кейинги ўринларда — Кузатув кенгаши) ҳисобот беради.

4. Жамғарма ўз фаолиятини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Жамғарма давлат мақсадли жамғармаси шаклидаги давлат муассасаси ҳисобланади, мустақил балансга, шахсий ғазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва бланкларга эга бўлади.

6. Жамғарманинг ижро этувчи апаратини сақлаш Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

2-боб. Жамғарманинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари

7. Жамғарманинг асосий мақсади аҳолини давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда тиббий хизматлар бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантириш мақсадида давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш ва бошқаришдан иборат.

8. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш;

аҳолининг барча қатламларини сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш;

аҳолининг барча қатламларига давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштириш;

Давлат бюджетидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини молиялаштириш мақсадида ажратиладиган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш;

давлат тиббий суғуртасининг ягона ахборот тизими, маълумотлар базаси ва бошқа ахборот ресурсларини яратиш, уларнинг лозим даражада ишлашини таъминлаш.

9. Жамғарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этади ва бошқаради;

аҳолининг барча қатламларига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиради;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўрта муддатли прогнозларини ишлаб чиқади, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили Жамғарма бюджетини шакллантиради;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумларни жамлайди ва бошқаради;

давлат тиббий суғуртаси дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларни амалга ошириш тадбирларини белгиланган тартибда молиялаштиради;

касалликларни амбулатор даволаш учун дори воситаларини электрон рецепт асосида дорихоналар томонидан беморларга бепул бериш ҳамда дорихоналарнинг тегишли сарф-харажатларини қоплаш (реимбурсация) дастурини жорий этади ва бошқаради;

тиббий хизматлар стратегик харидлари механизмларини ишлаб чиқади ва давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар учун тўловларни амалга оширади;

имтиёзли тоифадаги шахсларнинг давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларида йўлланма асосида даволаниш харажатларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда қоплаб беради;

аҳолига кўрсатилган тиббий хизматлар сифати даволаш ва ташхислаш стандартларига мослигини ўрганишни ҳамда клиник жиҳатдан асосланганлигини текширишни, қилинган сарф-харажатлар иқтисодий самарадорлигини баҳолашни амалга оширади;

давлат тиббий суғуртаси тизими иштирокчилари томонидан Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини ҳамда давлат тиббий суғуртаси дастури доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш шартномаси шартлари бажарилишини назорат қилади;

хорижий суғурта компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатган ҳолда уларнинг мижозларига кўрсатилган тиббий хизматлар учун тўловларни

қабул қилади ҳамда тегишли тиббиёт ташкилотларига қоплаш чораларини кўради;

давлат тиббий суғуртасининг ягона электрон ахборот тизими ва ресурсларини бошқаради ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди, шунингдек, ушбу ахборот тизими ва ресурсларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

тиббий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, шу жумладан, тиббиёт муассасалари учун молия менежери ва клиник менежер мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилишда иштирок этади;

давлат тиббий суғуртаси тизимида ташкилий, молиявий ва клиник йўналишларда самарали фаолият юритиш бўйича тиббиёт ташкилотлари ходимларининг билим ва малакасини ошириш ўқув курсларини ташкил қилади;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар пакетини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади;

давлат тиббий суғуртаси тизимини такомиллаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни амалга ошириш чораларини кўради;

аҳолининг давлат тиббий суғуртаси тизими ва унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг давлат тиббий суғуртаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат тиббий суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганади ва энг яхши амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат тиббий суғуртаси тизимида оид ахборотни ушбу тизим иштирокчиларидан белгиланган тартибда олиш;

шахсга доир маълумотларни, шу жумладан, барча тиббий маълумотларни ваколатли органлардан ҳамда барча тиббий ахборот тизимларидан тўғридан-тўғри олиш ва қайта ишлаш;

кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлиги ва сифатини назорат қилиш;

бюджет буюртмаларини тайёрлаш ва Давлат бюджетидан маблағ олиш учун бюджет сўровларини тузиш;

Жамғарма маблағлари ҳажмини ошириш мақсадида уларни белгиланган тартибда банк депозитларига жойлаштириш;

шартнома асосида тиббиёт муассасаларига ажратилган маблағларнинг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини мониторинг ва назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни белгиланган тартибда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга ошираётган вазир ёки бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари орқали киритиш;

агар қонунчилик ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат тиббий суғуртаси соҳасида услубий ҳужжатлар, ҳисоботлар ва аризалар шакллари, ҳисоб реестрлари, далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ консалтинг, ноширлик ва ўқитиш фаолиятини ташкил этиш;

белгиланган тартибда асбоб-ускуна, инвентарь, товар ва хизматларни харид қилиш;

давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва муассасалардан ўз ваколатлари доирасида зарур бўлган маълумотларни олиш;

давлат тиббий суғуртаси соҳасига хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

Жамғарма маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

тиббий хизматлар харидини тегишли молия йили учун режалаштирилган маблағлар ҳажми доирасида амалга ошириш;

давлат тиббий суғуртаси тизими иштирокчиларига нисбатан ўрнатилган талабларга жавоб берувчи тиббиёт ташкилотлари ва бошқа иштирокчилар билан давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар тузиш;

беморлар ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида олинган бошқа маълумотларни қонунчилик талабларига мувофиқ сир сақлаш;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлардан аҳолининг қониқиш даражасини таҳлил қилиш;

фуқаролар мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган шакл бўйича ва муддатларда молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни шакллантириш ҳамда уларни тегишли давлат органларига тақдим этиш;

давлат тиббий суғуртаси соҳасида ходимлар салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Жамғарма келгуси молия йили учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми прогнозлари асосида ажратиладиган маблағларни олиш учун бюджет сўровларини Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

13. Жамғарма ҳар чорак якуни бўйича Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этади.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

14. Жамғарма бюджетини шакллантириш ва ижро этиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда тегишли молия йили учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда Жамғармага ажратиладиган трансфертлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги харажатлари таркибида акс эттирилади.

15. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар. Бунда соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар (капитал қўйилмалар, мукамал таъмирлаш, фан ва илмий изланишлар, эмлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, сайёр тиббий кўриклар, ҳомиладорлик нафақаси, шунингдек, кўзда тутилмаган бошқа харажатларни қоплаш учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) Жамғармага харажатлар таснифининг бир сатрида ҳар ойнинг биринчи иш кунда ўтказиб берилади;

Жамғарманинг ғазна ҳисобварақларида вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар. Ушбу даромадларнинг 50 фоизи Жамғарма ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга, қолган 50 фоизи Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

16. Жамғарма маблағлари Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тақсимотга мувофиқ қўйидаги мақсадлар учун йўналтирилади:

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш;

имтиёзли тоифадаги шахсларни даволаш харажатларини ўрнатилган тартибда қоплаб бериш;

давлат тиббий суғуртаси дастурини ҳамда имтиёзли дори воситалари таъминотини молиялаштириш;

давлат тиббий суғуртасининг ягона электрон ахборот тизими ва ресурсларини яратиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш;

Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида мақсадли дастурлар ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарма ижро этувчи аппарати ва ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, бино ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш;

ахборот ва алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

тиббий суғурта соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

17. Жамғарма ҳар йили келгуси молия йиллари учун давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажми прогнозлари асосида уни амалга ошириш учун зарур маблағлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқади.

18. Жамғарма фаолияти қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили ташқи аудитдан ўтказилади.

5-боб. Жамғармани бошқариш

19. Кузатув кенгаши ва Жамғарма ижро этувчи аппарати Жамғарманинг бошқарув органлари ҳисобланади.

20. Кузатув кенгаши Жамғарманинг юқори бошқарув органидир.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

21. Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, уларга Кузатув кенгашининг раиси, Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари раислик қилади.

22. Кузатув кенгашининг мажлиси, агар аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади (кворумга эга бўлади).

Кузатув кенгашининг қарори унинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

23. Кузатув кенгаши:

Жамғарма даромад ва харажатларининг прогноз параметрларини ҳамда йиллик харажатлар тақсимотини тасдиқлайди;

давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар тарифлари юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни келишади;

давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар ва дори воситалари хариди бўйича ҳамда имтиёзли тоифадаги шахсларни даволаш харажатларини қоплаш бўйича тузиладиган шартнома-ларнинг намунавий шаклини тасдиқлайди;

реимбурсация дастури асосида бериладиган дори воситаларини қоплаш қийматини белгилаш ва тўловларни амалга ошириш тартибини тасдиқлайди;

Жамғарма ижро этувчи аппарати томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳисоботларни эшитади ва тасдиқлайди;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат тиббий суғуртаси соҳасига оид масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳамда унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни кўриб чиқади ва улар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритади;

Жамғарма фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамғарманинг бўш турган маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига уларнинг эгаллаб турган асосий лавозимлари бўйича лавозим маошларига устама ва бошқа рағбатлантириш тўловларини белгилаш тартибини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати фаолиятини, шу жумладан, унинг даромад ва харажатлар прогноз параметрлари ижросини, маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24. Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ, Жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилади. Бунда ҳудудий бўлинмаларни ташкил этиш, сақлаш, хизмат автотранспорт воситалари харид қилиш билан боғлиқ харажатлар Жамғармани сақлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

6-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш

25. Жамғарма директори ва унинг ўринбосарлари Кузатув кенгаши тақдимномаси асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

26. Жамғарманинг ижро этувчи директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

27. Жамғарма ижро этувчи директори:

Жамғарма фаолиятига раҳбарлик қилади;

ўз ваколатлари доирасида Жамғарманинг ижро этувчи директори ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди;

ўз ваколатлари доирасида Жамғарма фаолиятига оид буйруқлар ва йўриқномалар чиқаради ҳамда Жамғарманинг таркибий бўлинмаларига кўрсатмалар беради;

Жамғарманинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, шунингдек, зарур ҳолларда, Жамғарма ижро этувчи аппаратининг тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритади;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, статистика ва бухгалтерия ҳисоботлари тузилишини ҳамда улар тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этилишини ташкил қилади;

Кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

28. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда кўп йиллик меҳнати учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффицентларда): 1 йилдан 3 йилгача — 0,3, 3 йилдан 5 йилгача — 0,6, 5 йилдан 10 йилгача — 0,8, 10 йилдан 15 йилгача — 1,0, 15 йилдан 20 йилгача — 1,2, 20 йилдан юқори — 1,5.

Бунда кўп йиллик меҳнати учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида ҳисобланади.

29. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига вазирликлар ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади ҳамда уларнинг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффицентини 2,0 бараварга оширилган ҳолда қўлланади.

Бунда лавозим маошини ҳисоблашда 40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш (рағбатлантирувчи коэффицент) учун оширилган тариф коэффицентини инобатга олган ҳолда устама ҳақ белгиланади.

30. Бўш иш ўринлари ҳисобига иқтисод қилинган иш ҳақи фонди маблағлари Жамғарма ходимларини моддий рағбатлантириш (устама, қўшимча ҳақ, ойлик мукофотлар ва бошқалар)га йўналтирилади.

31. Жамғарманинг ижро этувчи директорига бўш иш ўринлари ҳисобига иқтисод қилинган иш ҳақи фонди маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ходимларга уларнинг меҳнат фаолиятини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун лавозим маошининг 300 фоизигача ҳар ойлик қўшимча устама белгилаш ваколати берилади.

32. Жамғарманинг ижро этувчи директорига моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ қўшимча тўловлар ҳамда устамалар белгилаш Кузатув кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

33. Жамғарма ажратилган маблағлар доирасида тиббиёт, иқтисодиёт, молия, ахборот-коммуникация технологиялари ва Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассисларни Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Жамғарманинг ижро этувчи директорига Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда хорижий мутахассислар ва экспертларни тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб этиш, ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилади.

7-боб. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат

35. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати давлат тиббий суғуртаси тизимида кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун ҳақ тўлаш ва бошқа тўловларни молиялаштиришни Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгардир.

36. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган муддатларда даврий ҳисоботларни тақдим этади.

37. Жамғарма маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланилиши устидан назорат Жамғарманинг ижро этувчи аппарати томонидан амалга оширилади.

38. Жамғарма маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши-ни назорат қилиш Жамғарманинг ички аудит хизмати ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

39. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

40. Жамғарманинг доимий сақланадиган ҳужжатлари, Жамғарма тугатилган тақдирда, белгиланган тартибда Давлат архивига топширилади.

41. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги
ПҚ–311-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4890-сон қарорида:

а) 7-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 10-банднинг олтинчи хатбошисидаги «4 та» ва «3 та» сўзлари тегишинча «5 та» ва «4 та» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 5-илованинг* матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5199-сон қарорида:

- а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;
- б) 1-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази»;

- в) 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага
кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга
олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига
ўтказиладиган тиббиёт муассасалари
РЎЙХАТИ**

I. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ўтказиладиган тиббиёт муассасалари

1. Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази.
2. Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази.
3. Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси.
4. Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси.
5. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси.
6. Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси.
7. Самарқанд давлат тиббиёт университети клиникаси.
8. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси.
9. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси.
10. Тошкент давлат стоматология институти клиникаси.
11. Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази.
12. Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси.

Изоҳ:

Тошкент шаҳар тиббий реабилитация клиник шифохонаси томонидан Чернобыль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган ва ядро полигонда ҳарбий хизматни ўтаган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилади;

амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан 2023 йилнинг 1 январига қадар фойдаланиш мумкин;

Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунлангунга қадар Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали бажарилган иш ҳажмига боғланмаган ҳолда вақтинчалик бир сатрда молиялаштирилади.

II. 2025 йил 1 январдан бошлаб ўтказиладиган тиббиёт муассасалари

1. Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази.

2. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази.

3. Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт маркази.

4. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази.

5. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси.

6. Бухоро давлат тиббиёт институти клиникаси.

7. Қорақалпоғистон тиббиёт институти клиникаси.

8. Республика перинатал маркази.

9. Республика болалар ортопедияси маркази.

10. Республика болалар кам инвазив ва эндовизуал хирургия илмий-амалий маркази.

11. Самарқанд давлат тиббиёт университети ихтисослашган болалар хирургик клиникаси.

12. Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги Реабилитология ва спорт тиббиёти илмий-тадқиқот институти клиникаси.

Изоҳ: Соғлиқни сақлаш вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур рўйхатга бошқа тиббиёт муассасаларини киритиш ваколати берилди».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлдаги «Қорақалпоғистон Республикасида 2022 — 2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–310-сон қарорида:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «2023 йил» сўзлари «2025 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

в) 1-илованинг 21-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 февралдаги «Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–67-сон қарорида 11-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарма билан тузилган шартномалар асосида йўналтирилади. Бунда уларга ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми, 2024 йил 1 октябрдан бошлаб 15 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомда:

а) 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига татбиқ этилмайди» сўзлари «республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига ҳамда 2025 йил 1 июлдан бошлаб давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинган тиббиёт муассасаларига татбиқ этилмайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6, 24, 25 ва 26-бандлардан «узлуксиз» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 3-иловада:

илованинг номи, 1-банднинг биринчи хатбошиси ҳамда 2-банднинг биринчи хатбошисидан «узлуксиз» сўзи чиқариб ташлансин;

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 14-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. ТИЭКда кўриқдан ўтиш учун умумий касаллик ва болалиқдан ногиронлик сабабларини белгилаш учун тиббиёт муассасасининг йўлланмаси, амбулатор картадан кўчирма, агар мавжуд бўлса касаллик тарихидан кўчирма тақдим этилади»;

б) 15-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Фуқароларни кўриқдан ўтказиш: ТИЭКга йўлланмани (088/у — шаклини), амбулатор картадан кўчирмани ва агар мавжуд бўлса стационардан берилган касаллик тарихидан кўчирмани, шунингдек, беморни кўриқка юбориш учун асос бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ва шахсни кўриқдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6 ва 7-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Аутсорсинг хизматларига (мижозларни овқат билан таъминлаш хизматидан ташқари) ҳақ тўлаш миқдорлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотлар томонидан тегишли хизмат таннархига (иш ҳақи, иш ҳақига ажратма, моддий харажатлар, билвосита харажатлар) тенг қийматда белгиланади.

7. Аутсорсинг бўйича овқатланишни ташкил этиш хизмати нархи Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган бир беморга бир кунлик овқатланиш нормасидан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг энг юқори нархларидан ошмайдиган қийматда белгиланади»;

б) 13-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
еттинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўнинчи хатбо-
шилар деб ҳисоблансин.

Изоҳ: 6-банд 2025 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**317** «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, банк ва микромолиялаштириш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури (кейинги ўринларда — Дастур) доирасида қуйидаги механизмлар амалиётга жорий этилсин:

бир лойиҳа доирасида 300 миллион сўмгача микрокредитларни, шундан 100 миллион сўм гаровсиз қисмини «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания) маблағлари ҳисобидан, 200 миллион сўмгача қисмини банклар ва микромолия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — микрокредит берувчилар) ўз маблағлари ҳисобидан ажратиш;

гаровсиз ажратилган 100 миллион сўм доирасида микрокредитлар бўйича кредит таваккалчилигини давлат ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш ёки улар бўйича Компаниянинг портфель кафиллигини тақдим этиш;

микрокредит берувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредитларни қайта молиялаштириш тизимига ўтиш.

2. Белгилансинки, Дастур доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз микрокредитлар:

а) барча микрокредит берувчилар томонидан камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилади. Бунда кичик тадбиркорлик субъектларини танлаб олишда бошқа талаблар ва мезонлар киритилишига йўл қўйилмайди;

б) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган ҳудуд тоифасидан келиб чиққан ҳолда Компания томонидан микрокредит берувчиларга қуйидаги ставкаларда қайта молиялаштирилади:

5-тоифа учун — 12,5 фоиз;

4-тоифа учун — 13,5 фоиз;

3-тоифа учун — 14,5 фоиз;

2-тоифа учун — 17,0 фоиз;

1-тоифа учун — 18,0 фоиз;

в) йиллик ставкаси 24 фоиздан ошганда ёки 1 — 3-тоифадаги туманда (шаҳарда) савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар учун айланма маблағларни тўлдиришга ажратилганда, Компания томонидан қайта молиялаштирилмайди ва улар бўйича портфель кафиллиги тақдим этилмайди.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

3. Дастур доирасида микрокредитлар ажратиш ва ресурс маблағлари билан таъминлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Компанияга молиявий маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз банд паст ставкада 3 йил имтиёзли давр билан 7 йил муддатга жойлаштиради;

микрокредит берувчилар томонидан 7 йилгача бўлган муддатга ажратилган 100 миллион сўм доирасидаги микрокредитлар Компания томонидан 10 (ўн) иш кунида қайта молиялаштирилади;

Компания маблағлари устувор равишда 3 — 5-тоифадаги тумандан (шаҳардан) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитларни қайта молиялаштиришга йўналтирилади;

микрокредитлар Компания томонидан қайта молиялаштирилганда ёки улар бўйича портфель кафиллиги берилганда, мазкур микрокредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 ноябрдаги ПФ–193-сон Фармонида назарда тутилган компенсация тақдим этилмайди.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб:

а) микрокредитларни қайта молиялаштиришда улар бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини туманлар (шаҳарлар) тоифасидан келиб чиқиб, Компания ва микрокредит берувчилар ўртасида тақсимлаш тизими жорий қилинади.

Бунда Компания микрокредит берувчиларга жойлаштирадиган ресурс маблағларининг тегишли қисми қуйидаги микдорларда гаров депозити сифатида қабул қилинади:

5-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 80 фоиз;

4-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 60 фоиз;

3-тоифадаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 40 фоиз;

1-2-тоифалардаги туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудда фаолият юритадиган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича — 20 фоиз;

б) микрокредит берувчилар томонидан ажратилган ҳамда Компания ресурслари ҳисобидан қайта молиялаштирилмайдиган 100 миллион сўм доирасидаги гаровсиз микрокредитлар бўйича Компаниянинг портфель кафиллиги тақдим қилинади.

Бунда кафиллик бўйича тўлаб бериш мажбурияти микрокредит бўйича қарздорлик муддати ўтган санадан 90 кун ўтгандан сўнг бажарилади;

в) микрокредитларни қайта молиялаштириш учун Компания томонидан олинган маблағлар Иқтисодиёт ва молия вазирлигига микрокредит сўндири-

лишига қараб қайтариледи. Бунда микрокредитни сўндириш бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги натижасида микрокредит берувчилар томонидан Компанияга қайтарилмаган маблағлар бўйича Компаниянинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги олдидаги мажбуриятлари бекор қилинади;

г) Дастур доирасида молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларидан фойдаланиш учун амалий ўқув курсларини тугатганлик тўғрисида сертификатга эга бўлиш талаб этилмайди.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги микрокредит берувчиларни узлуксиз равишда қайта молиялаштириш мақсадида Компанияни зарур молиявий ресурслар билан доимий равишда таъминлаб бориш чораларини кўриб борсин, шу жумладан, бир ой муддатда 3 триллион сўм миқдоридagi маблағлар ажратилишини таъминласин.

6. Компанияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

қайта молиялаштириладиган ёки кафиллик тақдим этиладиган микрокредитларнинг шартларига, микрокредит олувчиларга қўйиладиган талабларни ва микрокредитлар ажратадиган банклар ва микромолия ташкилотларига нисбатан мувофиқлик мезонларини белгилаш;

республика бюджети ва бошқа манбалардан молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича таваккалчиликларни ўзаро тақсимлаш асосида қайта молиялаштиришга йўналтириш;

микрокредит берувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар бўйича портфель кафилликлар тақдим этиш.

7. Компания кузатув кенгашига (Ж. Қўчқоров):

а) 2025 йил 1 январга қадар:

кафиллик бўйича банклар олдидаги мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ тартиботларни соддалаштириш ва муддатларни қисқартириш;

тадбиркорлик субъектларининг кредит тарихи ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда кафиллик бўйича таваккалштирилган хизмат ҳақларини жорий қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин;

б) микрокредит берувчиларга ажратиладиган ресурслар ва ушбу ресурслар ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича энг юқори фоиз ставкаларини мустақил равишда белгилаш, микрокредит миқдорлари, кредит таваккалчилигини тақсимлаш, портфель кафилликларини тақдим этиш ва қайта молиялаштириш миқдорлари ва шартларини ўзгартириш ҳамда бозор талабидан келиб чиққан ҳолда бошқа механизмларни жорий қилиш ваколати берилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг «Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси» масъулияти чекланган жамиятининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мол-мулкларини баҳолашдан ўтказмаган ҳолда уни Компанияга қўшиб юбориш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

Жамғарма устав капиталидаги «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ

(кейинги ўринларда — Бизнесни ривожлантириш банки) улушини номинал (баланс) қийматига камайтириш ҳисобига Жамғарманинг «Рақамли трансформация маркази» масъулияти чекланган жамияти ҳамда 14 та «Кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари» масъулияти чекланган жамиятлари устав капиталидаги улушлари Бизнесни ривожлантириш банкига ўтказилади;

Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталидаги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги улушини номинал (баланс) қийматига камайтириш ҳисобига Бизнесни ривожлантириш банкининг Жамғарма устав капиталидаги 100 фоиз улуши Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Компаниядаги улушини ошириш ҳисобига Компанияга ўтказилади.

9. Бизнесни ривожлантириш банкининг кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида асосий таянч банк сифатида:

халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга бўлган тадбиркорлар фаолиятига кўмак бериш ва ҳамроҳлик қилиш бўйича менторлар ёки етакчи тадбиркорлар гуруҳини шакллантириш, бунда йил якунига қадар 24 та менторлар фаолиятини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида ўсиш ва ривожланиш салоҳиятига эга тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш орқали уларни индивидуал ёндашув асосида ўстириш;

ҳар бир ҳудудда юқори қиймат яратувчи янги кичик тадбиркорлик субъектлари сонини ошириш ёки ривожланишига кўмаклашиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида банкнинг хизмат кўрсатиш марказларини очиш;

2024-2025 йилларда 100 та янги бизнес йўналиши бўйича лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиб, уларни амалиётга татбиқ этиб бориш;

3-, 4- ва 5-тоифадаги ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш бўйича қўшимча чоралар кўриб бориш борасидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 ноябрдаги ПҚ–366-сон қарори асосида Бизнесни ривожлантириш банкига Дастурни молиялаштириш учун йўналтирилган жами 300 миллион АҚШ долларида 200 миллион АҚШ доллари Бизнесни ривожлантириш банки устав капиталини оширишга йўналтирилиши, 100 миллион АҚШ доллари миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада субординар қарз сифатида қайта расмийлаштирилишини таъминласинлар.

11. Белгилансинки:

молиявий ёрдамларни тақдим этиш доирасида Компания томонидан тадбиркорлик субъектларининг буюртмасига асосан асбоб-ускуна ва бошқа мол-мулклар ҳамда хомашёлар харид қилишда давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари татбиқ этилмайди;

Компанияга у томонидан тузилган импорт шартномаларига асосан тадбиркорлар маблағлари ҳисобидан 50 фоизгача бўнак тўловларини ўтказишга рухсат берилади;

Жамғарма томонидан тижорат банкларига илгари жойлаштирилган ресурс маблағлари тасдиқланган графиклар асосида сўндирилганидан сўнг Компания томонидан қайта молиялаштиришга йўналтирилади;

кредит (лизинг) маблағларидан кредит (лизинг) шартномасида ва/ёки буюртмада кўрсатилган мақсадларда фойдаланилмаганда, ушбу кредит (лизинг) бўйича тўланган компенсация маблағлари тижорат банки томонидан Компанияга қайтариледи. Бунда ушбу қоида Жамғарма билан аввал тузилган шартномалардан келиб чиқадиган муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

12. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Компанияни Тошкент шаҳридаги зарурий инфратузилмага эга бўлган маъмурий бинога жойлаштиришни таъминласин.

13. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Марказий банк ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б. Нурмуратов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 7 сентябрь,
ПҚ–312-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****318 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинла-
рига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни са-
ралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 ноябрдаги ПФ–188-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 октябрдаги 524-сон «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2020 йил 11 февралдаги 130-сон буйруғи (рўйхат рақами 3226, 2020 йил 16 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.03.2020 й., 10/20/3226/0313-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 5 август,
685-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2024 йил 5 августдаги
685-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 4-банддаги «беш» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Саралашда Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ёки олий маълумотга эга бўлган қўйидаги фуқаролари иштирок этиши мумкин:

ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган шахслар;

мукаддам контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган қирқ ёшгача бўлган шахслар;

резервдаги ва захирадаги қирқ ёшгача бўлган офицерлар.

Бунда, эркак жинсидаги номзод Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ёки сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўтаган ёхуд олий таълим муассалари ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмаларида ўқишни тугатган бўлиши, шунингдек ҳарбий рўйхатда турган бўлиши керак.»

3. 7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 45-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45. Саралаш комиссияси котиби томонидан номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш тадбирларида қайд этган натижалари умумлаштирилиб, мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади.

Баённомага номзодлар томонидан жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш тадбирларида қайд этилган натижалар турдош мутахассисликлар кесимида кўрсаткичларнинг пасайиб бориш тартибида киритилиши лозим.

Бунда, энг яхши кўрсаткичга эга бўлган, мавжуд бўш лавозимлар сонига мутаносиб сондаги номзодлар, шунингдек уларга қўшимча равишда кўрсаткичларнинг пасайиб бориш тартибида яна 20 фоиз номзодлар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишга тавсия этилади.

Агар икки ёки бир нечта номзодларнинг умумий тўплаган баллари тенг бўлиб қолса, уларнинг психологик ўрганиш тадбирида қайд этган натижаси инобатга олинган ҳолда энг яхши кўрсаткичга эга номзод танлаб олинади.»

5. 5-иловада:

а) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «75» рақами «80» рақами билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «2 соат» деган сўзлар «80 дақиқа» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

- б) 11-банддаги «174» рақами «179» рақами билан алмаштирилсин;
 в) илова қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«Психологик тест натижаларини ҳисоблаш
 ЖАДВАЛИ**

Т/р	Психологик ўрганиш йўналишлари	Баҳо ва баллар			
		5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо	2 баҳо
1.	Интеллектуал ривожланганлик даражаси	80 — 62 балл	61 — 46 балл	45 — 31 балл	30 — 0 балл
2.	Психоэмоционал барқарорлик даражаси	99 — 83 балл	82 — 67 балл	66 — 52 балл	51 — 0 балл
3.	Номзод берган жавобларнинг самимийлиги	самимий		носамимий	
		0 — 9		10 — 19	

».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

319 **Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholashni mustaqil amalga oshiruvchi ekspertlar guruhi tarkibini shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
6-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3368-1*

O‘zbekiston Respublikasining “Manfaatlar to‘qnashuvi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2022-yil 13-maydagi 41-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3368, 2022-yil 13-may) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 13.05.2022-y., 10/22/3368/0417-son) bilan tasdiqlangan Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholashni mustaqil amalga oshiruvchi ekspertlar guruhi tarkibini shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibiga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur buyruq 2024-yil 6-dekabrda e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. BURXANOV

Toshkent sh.,
2024-yil 15-avgust,
64-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 7-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi
direktorining 2024-yil 15-avgustdagi
64-son buyrug'iga
ILOVA

**Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini
reyting baholashni mustaqil amalga oshiruvchi ekspertlar guruhi
tarkibini shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibiga
kiritilayotgan o'zgartirishlar**

1. 1-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“manfaatlar to'qnashuvi — shaxsning shaxsiy (bevosita yoki bilvosita) manfaatdorligi uning o'z lavozim yoki xizmat majburiyatlarini lozim darajada bajarishiga ta'sir ko'rsatayotgan yoxud ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan hamda shaxsiy manfaatdorlik bilan fuqarolarning, tashkilotlarning, jamiyatning yoki davlatning huquqlari, qonuniy manfaatlari o'rtasida qarama-qarshilik yuzaga kelayotgan (mavjud manfaatlar to'qnashuvi) yoki yuzaga kelishi mumkin bo'lgan (ehtimoliy manfaatlar to'qnashuvi) vaziyat;”.

2. 27-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“27. Ekspertlar guruhi a'zosi quyidagi hollarda, u yoki bu davlat tashkilotining dastlabki reyting baholash natijalarini ko'rib chiqishda manfaatlar to'qnashuvi o'ziga ma'lum bo'lib qolgan paytdan e'tiboran bir ish kuni ichida o'zini ushbu davlat tashkilotining dastlabki reyting baholash natijalarini ko'rib chiqishdan ozod qilish bo'yicha Ekspertlar guruhi rahbariga xabar beradi:

ushbu davlat tashkilotida ekspert yaqin qarindoshi mas'ul mansabdor shaxs sifatida ishlayotgan bo'lsa yoki dastlabki reyting baholash natijalarini ko'rib chiqish obyekti (yuridik shaxs) unga aloqador shaxs bo'lsa;

ekspertning ushbu davlat tashkilotining jamoatchilik tuzilmalariga a'zo ekanligi;

tegishli davlat tashkilotining litsenziyalar taqdim etish, mahsulotlar sotib olish va boshqa davlat xizmati ko'rsatish faoliyati bilan ekspertning bog'liqligi mavjud bo'lsa;

boshqa har qanday mavjud manfaatlar to'qnashuvi o'ziga ma'lum bo'lib qolsa.

Bunda, Ekspertlar guruhi rahbari tomonidan ushbu ekspertga manfaatlar to'qnashuvi yuzaga kelishi mumkin bo'lgan davlat tashkilotining dastlabki reyting baholash natijalari taqdim etilmasligi lozim.”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2024 йил 5 августдаги 685-сон “Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3226-2.

2. О‘zbekiston Respublikasi Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligi direktorining 2024-yil 15-avgustdagi 64-son “Korrupsiyaga qarshi kurashish ishlarining samaradorligini reyting baholashni mustaqil amalga oshiruvchi ekspertlar guruhi tarkibini shakllantirish va uning faoliyatini tashkil etish tartibiga o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 6-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3368-1.

